

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

Мавзу : Жаҳон банки, унинг асосий вазифаси ва роли

Бажарди: асс. Жўраев Исроил

Жаҳон банки, унинг асосий вазифаси ва роли

Жаҳон банки гуруҳи БМТ нинг махсус муассасаси бўлиб, дунёнинг етакчи молиявий институтлари орасида қашшоқликка қарши курашиш ва ривожланаётган дунёда аҳоли турмуш тарзини юксалтириш каби фаолиятлари билан ажралиб туради. У ссудалар бериш, маслаҳат ва техник ёрдам бериш каби хизматларни кўрсатади. ЖБ халқаро пул бозорларига чиқиш имконияти чекланган ёки бу имкониятдан умуман маҳрум мамлакатларга ўзининг паст фоизли, фоизсиз ёки грант шаклида ресурсларни ажратади. ЖБ ривожланаётган давлатларга фондлар тақсимотини амалга оширувчилардан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг молиялаштириш ҳажми дунё бўйича умумий капитал оқимининг 7% ни ташкил қилади. ЖБ камбағаллик даражасини камайтириш ва янги минг йиллик мақсадларини қўллаб-қувватловчи ўзининг турли хил лойиҳаларини молиялаштириш фаолиятларини олиб боради. Молиялаштириш шакллари ҳар бир мамлакатнинг хусусиятидан келиб чиқиб танланади. Мисол учун, ААА шаклда табақаланган кредитлар ЖБ нинг облигацияларини сотиш ҳисобига молиялаштирилади. ЖБ фойдани максималлаштиришга интилмасда, у ўзининг имтиёзли кредитлари билан боғлиқ ва бошқа харажатларини қоплаш учун, кредитларни юқори фоизларда ҳам беради.

Жаҳон банки гуруҳига бугунги кунда 5 та ўзаро алоқадорликда фаолият юритувчи ташкилотлар киради:

1. Жаҳон (Халқаро) Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЖТТБ);
2. Халқаро Ривожланиш Ассоциацияси (ХРА);
3. Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК);
4. Кўп томонлама Инвестицияларни Кафолатлаш Агентлиги (MIGA);(КИКА)
5. Инвестицион Келишмовчиликларни ечиш бўйича Халқаро Марказ.(ИКЕХМ)

ЖТТБ 1994 йил Бреттон Вудсда ХВФ билан биргаликда таъсис қилинган бўлсада, жаҳон йиллик ҳисоботида 1945 йил ташкил этилган йил сифатида эътироф этилади. Ўз фаолиятини эса 1946 йил июлдан бошлаган. ҳозирги кунга келиб унинг ажратган қарзлари жами 394 млрд \$ га етди. Унинг аъзолари сони 184 тани ташкил этади. ЖТТБ асосан ўртача даромадли мамлакатларга кредит ажратади. У, капитал бозорларидан фарқли улароқ, капиталдан катта ҳажмларда, қулай шартлар асосида, узоқроқ муддатларга ва барқарор равишда фойдаланишга имконият яратиб беради. Банк асосан икки турдаги ссудалар ажратади: бири бу иқтисоий-ижтимоий ривожланишни рақбатлантириш мақсадида Инвестицион ссудалар; иккинчиси сиёсат ва институционал ислохотларни молиялаштириш мақсадида Ривожланиш сиёсати қарзларидир. Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтишимиз мумкинки, кунлик 1 \$ дан кам даромад оладиган энг камбағал аҳолининг 75% и ЖТТБ қарз маблағлари ажратадиган мамлакатларда яшайди. ЖТТБ томонидан ажратилган маблағлар аниқ мақсадлар бўйича ишлатилиши таъминланиши лозим. ЖТТБ томонидан кредитлар, 3-5 йил имтиёзли муддат билан, 15-20

йилга берилади. 2004 йилнинг 28 сентябрь ҳолатига ЖТТБ 33 мамлакатда 87 та лойиҳа бўйича 11 млрд \$ қарз ажратган. Бу маблағларнинг самарали фойдаланиши учун у ўзининг беғараз хизматларни кўрсатади.

ХРА 1960 йил ташкил топган бўлиб, унга 165 та мамлакат аъзодир. Жами мажбуриятлари 151 млрд \$ ни ташкил этади. ХРА кредитларни фоизсиз асосда 35-40 йил муддатга беради. ХРА одатда фоизсиз кредитлар ажратсада, охириги пайтларда энг камбағал мамлакатларга грантларни ҳам кўп миқдорда ажратмоқда. ХРА нинг бундай кўмагидан фақатгина киши бошига ЯМД 865 \$ дан кам бўлган мамлакатлар фойдаланиши мумкин. ХРА жаҳоннинг 2.5 млрд аҳолиси истиқомат қиладиган 81 та камбағал давлатларни молиялаштириш билан шуғулланади. ХРА нинг фоизсиз кредитлари ва грантлари бу мамлакатлар учун сув ва ҳаводек зарур, чунки ушбу мамлакатларнинг бозор шароитида қарз олиш имконияти жуда кам ёки деярли йўқ. Бу мамлакатларнинг кўпчилигида аҳолининг аксарияти бир кунда 2 \$ дан ҳам кам даромад топади.

ХРА нинг ресурслари хусусий инвестициялар муҳитини яхшилаш, таълим ва қашшоқ аҳоли соғлиғини сақлашни такомиллаштиришни қамраб олувчи қашшоқликни қисқартириш стратегияларини қўллашни рақбатлантиришга ёрдам беради.

ХРА нинг фаолияти донорлар ҳамкорлигида молиялаштирилади. Донор мамлакатлар ҳар уч йилда келажакдаги қарз бериш дастурларини тузиш; талаб қилинадиган ресурслар миқдорини аниқлаш; сиёсат ва унинг асосий йўналишларини белгилаб олиш ва бошқа мақсадларда учрашадилар. 2004 йилда ХРА 62 та кам даромадли мамлакатга 158 та лойиҳа бўйича 9 млрд \$ маблағ ажратган. 2002 йил 1 июлдан бошлаб, кейинги 3 йил ичида, берилиши кўзда тутилаётган 23 млрд \$ маблағнинг аксарият қисмининг грант асосида берилиши режалаштирилган. Одатда ХРА ресурсларининг 18-20 % и грант сифатида берилади. ХРА кредит ва грантлари ЖБ молиявий кўмагининг қарийб чорак қисмини ташкил этади. ХРА нинг ресурслари ривожланган донор мамлакатларнинг ажратмалари ҳамда ХТТБ нинг фойдаси трансфертларидан шаклланади. ХТТБ нинг барча аъзо мамлакатлари ХРА да иштирок этиши мумкин. 2004 йилда ХТТБ ва ХРА 20 млрд \$ лик молиялаштириш ишларини олиб борган.

ХМК 1956 йилда ташкил топган. Ҳозирги кунда унга 176 та давлат аъзо бўлган. Унинг мажбуриятлар портфели 23.5 млрд\$ ни ташкил этиб, бундан 5.5 млрд\$ синдикатлашган кредитлардир. Фискал 2004 йилда унинг мажбуриятлари 65 мамлакатнинг 217 лойиҳаси бўйича 4.8 млрд\$ ни ташкил қилади. ХМК хусусий сектор орқали иқтисодий ривожланишни қўллаб қувватлайди. Молиявий бизнес ҳамкорлари билан фадлият юритар экан у ривожланаётган мамлакатлардаги барқарор хусусий корхоналарга давлат кафолатисиз инвестициялар киритади.

ХМК нинг бош мақсадларига қуйидагилар киради:

Ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига хусусий инвестицияларни йўналтиришни рақбатлантириш;

Хусусий секторни мустаҳкамлаш.

ХМК ХТТБ дан фарқли равишда нафақат кредит беради, балки компанияларнинг акцияларини сотиб олади.

ХМК берадиган кредитлар одатда лойиҳа қийматининг 25 % дан ошмайди, чунки у барча рискни бўйнига олади. Чекланган молиявий ресурслари билан ХМК инвестицион жараёнларнинг катализатори сифатидаги функциясини бажаради.

MIGA 1988 йилда ташкил топган бўлиб, 164 та давлат аъзоликка эгадир. Жами кафолатлари 13.5 млрд \$ ни ташкил этади. 2004 йилда эса чиқарилган кафолатлари 1.1 млрд \$ ташкил қилган. MIGA инвесторларни нотижорат рисклардан кафолатлашни таъминлаш орқали ривожланаётган мамлакатларга бевосита хорижий инвестициялар йўналтирилишини қўллаб қувватлайди. Бундай нотижорий рискларга экспроприация; валюта конвертациясини рад этилиши; Ҳарбий фаолият ва уруш оқибатида ижтимоий-сиёсий муҳитни ўзгариши; ўтказмалар устидан чекловлар; шартномаларни бекор қилиш билан боғлиқ рисклар киради.

MIGA техник ёрдамлари ва маслаҳат хизматлари билан мамлакатларга хорижий инвестицияларни жалб қилиниши ва сақланишига ҳамда халқаро бизнес ҳамжамиятига инвестиция имкониятлари ҳақидаги маълумотларни тарқатишга ёрдам беради.

ИКЕХМ 1966 йилда ташкил этилган бўлиб, 140 аъзо мамлакатга эга. Рўйхатга олинган умумий ҳолатлар 159 та бўлиб, шулардан 30 та ҳолат 2004 йилда рўйхатга олинган. У инвестиция муаммоларини бартараф этиш орқали давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончни кучайтиради ва хорижий инвестициялар оқиб келишини қўллаб қувватлайди. У ўз фаолияти юзасидан нашриётларини ҳам чиқаради.

ЖБ молиялаштирувчи ташкилот сифатида танилган бўлсада, у ўзининг таҳлилий ва маслаҳат хизматларини ҳам кўрсатади. Банкнинг иқтисодчилар гуруҳи атроф муҳит, камбағаллик, савдо ва глобализация каби мавзуларда изланишлар олиб бориб, банкни муҳим ахборотлар билан таъминлаб турадилар. Бу изланишлар ҳар бир мамлакатлар бўйича олиб борилади ва сиёсатни ишлаб чиқишда қўл келади.

3. ЖБ қуйидаги соҳалар бўйича ўз фаолият стратегияларини ишлаб чиққан: Ўрмон, сув ресурслари; Атроф муҳит; Ахборот ва коммуникация технологиялари; Хусусий сектор ривож; Аграр соҳа ривож; Анти-коррупция; Таълим; Бошқарув ва ижтимоий сектор ислохотлари; Соғлиқ, истеъмол (питание) ва Аҳоли; қазилма ишлари; Шаҳар ва маҳаллий бошқарув; Сув ресурсларини бошқариш кабилар.

Ҳозирда Ўзбекистон ҳам ЖБ, ҳам ХРА дан молиявий кўмак олиш имконият (ҳуқуқи)га эга. Айрим мамлакатлар эса фақатгина у ёки бу ташкилотдан кўмак олиш имкониятига эга бўлишади, холос.